O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@uzpak.uz ● 2002 йил 6 декабрь, №265-266 (3093-3094) Жума

# ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



**Бундан ўн йил муқаддам қабул қилинган ва халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида тўла акс эттирган Бош қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим сиёсий, ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳонда янги, суверен, истиқболи порлоқ давлат дунёга келганининг ўзига хос шаҳодатномаси бўлди.**

**Фаровон турмушимиз ривожида, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида Конституциямизнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Конституциямизни нафақат таърифлаганда, айни чоғда қоидаларини моддама-модда рўёбга чиқариш асносида уни ҳаётимиз Қомуси деб билишимиз ва беҳад қадрлашимиз бежиз эмас.**

**Бунинг сабаби шуки, Конституциямизда халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек орзу-ҳаваси ўзининг тўла ифодасини топган. Шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётнинг шакл-шамойили, маънавий қиёфаси шоён акс эттирилган. Унда тараққиётимиз гарови бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асослари белгилаб берилган. Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари бирбирига уйғунлаштирилган. Энг муҳими, инсон ҳуқуқи, инсон эркинлиги мустаҳкам муҳрлаб қўйилган.**

**Ҳа, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва барча жабҳаларда амалга оширилаётганислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишларимиз ва буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилаётган Конституциямиз қабул қилинганига ўн йил тўлди.**

**Шу муносабат билан 5 декабрь куни пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.**

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбек қомуси

**Ушбу шеърнинг ҳам ўз тарихи бор. У республикамизнинг Асосий Қомуси билан бир кунда туғилган эди.**

*Мен бечора бир одамман,*
*Эртанги куним —*
*Не бўлишин билмайдиган ожиз бандаман.*
*Еру осмон ўртасида топмаган қўним,*
*Ботинимда ботмон тошу зоҳир хандаман.*

*Ёлғизликнинг рутубатли кечаларида*
*Не-не олтин фаслларим ўтди жунжикиб.*
*Шеъриятнинг тунд, қоронғу кўчаларида*
*Йироқ-йироқ юлдузларга боқдим энтикиб.*

*Иғво, ҳасад, фитна билан тўлган бу ҳаёт*
*Ҳар онимда мингта этди бир ҳасратимни.*
*Хира туман орасида буткул коинот,*
*Ғира-шира илғар эдим мамлакатимни.*

*Эслар эдим Бухорийни, Яссавийни ҳам,*
*Ҳа, ҳа, айри тушмагандим хотиротимдан.*
*Фақат улар чалинарди кўзимга мубҳам,*
*Лекин сира кетмас эди хаёлотимдан.*

*Ҳам Темурбек, ҳам Улуғбек, Алишер, Бобур,*
*Сизлар тузган ул салтанат — Салтанат бўлди.*
*Улуғ тарих Туркистонга чўнг гувоҳ эрур,*
*Давлат эдик, Давлат эдик, у — Давлат бўлди!*

*Эмукдошим, ай, қардошим, қулоқ тут менга,*
*Ушбу кўҳна қаҳкашонда мағрур тутгин бош.*
*Сен заминга лойиқдирсан, замин ҳам сенга,*
*Сеникидир энди бу ер, сеники қуёш.*

*Қўлингда эрк, бошда ялов, тилингда суруд,*
*Ватанинг бор, боғинг-боғчанг, ор-номусинг бор.*
*Ўзбекистон деб аталган муқаддас ҳудуд,*
*Ўз Давлатинг, Мамлакатинг, ўз Қомусинг бор.*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**
*1992 йил 8 декабрь.*

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, муҳтарам дўстлар!

Қадрли юртдошлар!

Аввало, ўз номимдан барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни қутлуғ айём — ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституциямизнинг 10 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Конституциямизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришдаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш, кўп фикр юритиш мумкин.

Бугун Конституциявий суд раиси Бўритош Мустафоев қилган маърузада ҳам эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида Конституциямизнинг улкан ҳиссаси ҳақида мазмунли фикр ва мулоҳазалар айтилди.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳурматли мажлис иштирокчилари эътиборини кўпроқ бошқа масалага — Конституциямиз асосида қабул қилинаётган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ва шу муҳим масала атрофида тўпланиб турган муаммоларга жалб қилмоқчиман.

Шуни очиқ тан олишимиз керак, қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш ва аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олдинги ўринга қўйиш ва шу асосда йўл тутиш, бу жараёнларни тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Содда қилиб айтганда, биз қандай ҳар томонлама чуқур ва пухта ишланган, юксак андозаларга асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агарки, уларнинг норма ва талаблари амалда ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмаса — шу йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг самараси бўлмайди. Ва, бундай ҳолатлар фуқароларимизнинг табиий ва ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу ўзи нима дегани, нима учун қонуний нормаларда кўрсатилган талаблар бошқа-ю, ҳаётимизда кўпгина ҳолатлар ва мисоллар бошқача, деган фикрларга жавоб топиш осон эмас, албатта.

Шундай вазиятларда қонун қонун билан, ҳаётда эса кўпинча мансабда ўтирганларнинг айтгани бўлар экан, уларнинг сўзи, уларнинг ҳақиқати ҳақиқат бўляпти, деган кайфиятлар ҳам учрайди.

Шундай ҳолатлар ва савдолар бошига тушганда, одамларимиз беихтиёр "Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан" деган мақолни изтироб чекиб эслаши ҳам ўринли, деб ўйлайман.

Бу ҳам ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқати.

Биз қонунчиликка асосланган ҳуқуқий давлат қуришга интилаётган эканмиз, бундай ҳолатлардан юз ўгирмасдан, қочмасдан, аксинча, бунга олиб келувчи сабабларнинг таг-томирига етиб бориш ва уларнинг ечимини топишимиз зарур.

Бу барчамизнинг, аввало, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи идора ва ташкилотлар мутасадди раҳбарларининг бурчидир.

Бу каби вазият ва ҳолатлар нафақат бизда — мустақил тараққиёт йўлига ўтган ва Конституцияси энди ўн ёшга кирган мамлакатимизда эмас, балки энг ривожланган давлатларда ҳам учраб туриши мумкин.

Лекин, ҳеч шубҳасиз, хусусан, биз учун бу масала бугунги кунда буюк истиқболларимизни кўриш, халқимизнинг келажакка ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш учун энг долзарб ва ҳал қилувчи масалаларнинг бирига айланмоқда.

Нега деганда, замонавий талабларга жавоб берадиган, эл-юртимизнинг асл ва чуқур манфаатларини инобатга олган қонунларни қабул қилиш — ўз йўли билан.

Айни пайтда бу қонунларнинг ҳаётимизда жорий бўлганини, ўз аксини топганини кўриш — бу одамларимизга мутлақо бошқача мамнуният бағишлайдиган ва уларни рози қиладиган вазият эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Энди бу муаммоларнинг ечимига келадиган бўлсак, аввало нималарга алоҳида эътиборимизни жалб қилишимиз зарур?

Кўпгина масалалар ва йўналишлар қаторида, уларнинг энг муҳимлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак:

**Биринчидан,** Конституциямиз ҳаётимизда ўз аксини тўлиқ топиши учун ҳали замон талаб қиладиган кўпгина янги қонунларни қабул қилишимиз шарт.

Биз қонунларнинг матни, маъно-мазмуни ҳақида кўп бош қотирамиз, аммо уларда белгилаб қўйилган талабларни амалга ошириш учун қонунчиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу қонунни жорий қилиш учун керак бўладиган актларни қабул қилишни, бу масала бўйича жавобгарликни жойига қўйишни кўпинча унутиб қўямиз.

Шу сабабли ҳам қонунларимизнинг неччи фоизи ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда, қанчасини татбиқ этиш оғир кечмоқда, деган саволга жавоб бериш қийин.

**Иккинчидан,** жамиятимиз ҳаётида қонун устуворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур.

Шундагина ҳокимият тармоқлари орасида том маънодаги мувозанат қарор топади, содда қилиб айтганда, адолат тарозиси бузилмайди.

Аввало, суд ҳокимияти, суд органлари мустақил бўлиб ҳаммага ҳам бир кўз билан қараши — бу оддий фуқароми ёки мансабдор ва амалдорми — ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун устуворлигининг таъминланишига эришишимиз даркор.

**Учинчидан,** ижро ҳокимияти ва идораларининг, яъни бу ҳокимлик ёки вазирлик бўладими — умуман, мансаб курсисида ўтирганларнинг ўзига юкланган вазифани адо этишда масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш лозим.

Бу талаб, аввало, маъмурий идоралар, қонунни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотларга тегишлидир.

**Тўртинчидан,** нодавлат ва ижтимоий, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ва фуқаролик институтларининг роли, ўрни ва моҳиятини, уларнинг давлат корхоналари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Биз бу йўналишда бугунги кунда фақатгина биринчи қадамларимизни қўймоқдамиз.

**Бешинчидан,** жамоатчилигимиз, аҳолимизнинг сиёсий ва ижтимоий савияси ҳамда фаоллигини ошириш даркор.

(Давоми 2-бетда).

## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонларига мувофиқ Истиқлолимизнинг 11 йиллик улкан тўйи арафасида турли жабҳалардаги фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавиятни юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

5 декабрь куни — эркимиз ва истиқлолимиз тимсоли бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кун байрами арафасида Оқсарой қароргоҳида бир гуруҳ ватандошларимизга ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сизлар билан бугунги учрашувимиз ўзига хос, ажойиб, хосиятли бир кунда ўтмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Аввало, бугун Конституциямизнинг қутлуғ ўн йиллиги байрами арафасида давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган сиз азизлар билан учрашиб, очиқ чеҳрангизга боқиб, сизларни ана шу буюк сана билан табриклаш, муборакбод этиш менга катта қувонч бағишлайди.

Президентимиз маросим иштирокчилари билан бугун яна бир муборак айём — халқимиз, миллатимиз, дунёдаги барча мўмин-мусулмонларнинг табаррук байрами — Рамазон ҳайити арафасида дийдор кўришиб турганидан мамнуният изҳор этаркан, уларни ва улар орқали бутун халқимизни кўнгилларга эзгу ва ёруғ туйғулар олиб кирадиган ана шу улуғ кун билан самимий табриклади.

Мамлакатимизнинг ўн бир йиллик мустақиллик тарихида яхши бир одат шаклланиб, доимий анъанага айланиб қолди. Яъни, ҳар йили Ватанимизнинг Мустақиллик байрами муносабати билан юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган инсонларни айнан Конституция куни арафасида табриклаб, уларнинг шодлиги ва қувончига шерик бўлмоқдамиз.

Шуни айтишим керакки, деди Ислом Каримов, бу воқеа, аввало, шахсан менинг ўзимга катта қувонч бағишлайди. Чунки мен бундай учрашувларда халқимизнинг нафақат сиз каби фарзандларини, балки вилоят, туман, шаҳарлардаги олий нишон ва унвонлар билан тақдирланган эл-юртимизнинг муносиб вакилларини — уларнинг барча-барчасини, афсуски, мана шу муҳташам залга сиғдириб бўлмайди — бағримга босгандек, ҳар бирининг қўлини олиб табриклагандек бўламан ва бундан қалбим чексиз фахр-ифтихорга тўлади.

Бундай қувончли пайтларда кишининг хаёлидан беихтиёр бир фикр ўтади. Биз одатда кўпроқ мамлакатимиздаги, барча йўналишлар ва тармоқларда — бу иқтисодиёт ёки ижтимоий ҳаёт бўладими, илму фан, маданият соҳалари бўладими — эришган марраларимиз, қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирамиз. Улар ҳақида жойларда ҳам, марказда ҳам, матбуот, радио-телевидениеда ҳам атрофлича ахборот берамиз, таҳлил этамиз.

Лекин, шуни афсус билан айтишимиз лозимки, ҳақиқатан ҳам, бундай буюк натижа ва ютуқларнинг чинакам ижодкори, бунёдкори бўлмиш, ўз меҳнат фаолиятида ҳақиқий қаҳрамонлик ва юксак маҳорат намуналарини намоён этиб келаётган одамларимиз, меҳнаткашларимиз ҳақида камроқ эслаймиз.

Ана шунинг учун ҳам бугунги учрашувда ва эртадан бошлаб жойларда бўлиб ўтадиган давлат мукофотларини топшириш маросимларида сизларга, сиз каби барча заҳматкаш ва фидойи меҳнатчиларимиз шаънига ҳар қанча таҳсинлар ва миннатдорлик сўзларини айтсак, барибир камлик қилади, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида

***"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек истеъмолчиларни истеъмол товарлари тўғрисидаги ишончли ахборот билан давлат тилида таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Белгилансинки:

2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эркин муомалага чиқариладиган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини мажбурий маркалаш жорий этилади;

мажбурий маркаланиши керак бўлган ва 2002 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари чакана савдо шохобчаларида 2003 йил 1 апрелгача давлат тилида маркаланмасдан сотилиши мумкин.

2. Қуйидагилар:

Импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби тўғрисидаги низом;

тижорат мақсадларида Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда мувофиқлик сертификатлари мажбурий тақдим этилиши талаб этиладиган истеъмол товарларининг қўшимча рўйхати тасдиқлансин.

3. "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур қарордан келиб чиқувчи талабларга риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 47-модда) ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 декабрь.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Америка Қўшма Штатлари халқи номидан муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан бутун Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Қўшма Штатлар насроний, яҳудий, ислом ва кўпгина бошқа динлар вакиллари учун умумий уйдир. Америка халқи барча инсонларнинг ўзи истаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқини қадрлайди.

Ийд ал-Фитрнинг байрам сифатида нишонланиши барчамизга инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган эътиқод эркинлигининг муҳим ўрнини эслатади. Айниқса, бу байрам асрлар давомида бағрикенг Исломнинг бешиги ҳамда нафақат ислом илоҳиёти, балки жаҳон адабиёти ва фанининг машҳур намояндалари ватани ҳисобланмиш Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади. Америка халқи сизнинг тарихингизга ҳурмат билан қарайди ва сиз билан дўстликни юксак қадрлайди.

Америка халқи номидан сизларга баҳузур ва ҳаловатли йил тилайман.

Самимият билан,

**Жорж БУШ,**
**АҚШ Президенти.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қутлуғ Рамазон ҳайити — Ийд ал-Фитр муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табриклар йўллайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила ,

**АБДУЛЛОҲ ИККИНЧИ,**
**Иордания Подшоҳи.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимизнинг самимий табрикларимиз ва энг эзгу ниятларимизни йўллашдан бағоят хурсандмиз. Сизга бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига мудом тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

Қодир Аллоҳдан ислом умматига тинчлик-омонлик тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

**Қобус бин САИД,**
**Уммон Султони.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Аллоҳ ул зотни ўз паноҳида асрасин

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни изҳор этиш шарафига муяссарман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ватанингиз, ислом дини равнақи ва мусулмонлар хизмати йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилайман.

Аллоҳдан халқингизга ва бутун ислом умматига бахт-саодат ва қут-барака ато этишини сўрайман. Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таъло муборак Рамазон ойида тутган рўзамизни ва бажарган ибодатларимизни қабул айласин.

Ушбу қутлуғ айёмда Аллоҳдан Ўзбекистон халқига тараққиёт, равнақ ва фаровонлик ҳамда бутун ислом уммати сафларини жипслаштиришда Сизга омадлар ато этишини сўрайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Абдулвоҳид БЕЛКАЗИЗ,**
**Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби.**

*Мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш сиёсатини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни инобатга олган ҳолда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор муносабатларига ўтиш, мустақил давлат манфаатлари устуворлигига ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг аниқ тамойилларини ва йўналишларини белгилаб олди.*

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ҚОМУСИ

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши айни шу эзгу мақсадларнинг ҳуқуқий кафолатидир. У мустақил ҳуқуқий йўлимизнинг ва миллий ҳуқуқларимиз тизимининг таянчи, пойдеворидир.

Конституциямиз тарихан синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Унинг биринчи моддасидан то охирги моддасигача мустақиллик ғояси билан суғорилган. Асосий Қонунимиз энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Шунинг билан бирга, Конституцияда халқимизнинг узоқ ўтмиш даврлардан буён шаклланиб келаётган миллий тафаккури, муқаддас исломий қадриятлар ўз аксини топган, халқимиз кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик каби улуғ хислатлар ўрин олган.

Шу ўринда Конституциямизнинг асосий мезонлари, уни тавсифловчи жиҳатлари хусусида тўхталиш ўринли бўлар эди. Негаки, Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган ғоя ва нормалар Ўзбекистонда демократик давлатни барпо этиш эҳтиёжларига мувофиқдир. Унда ўтмиш даврининг эҳтиёжлари билан ўзбек давлатчилиги тажрибалари омихталаштирилиб, уларнинг бирлиги таъминланган. Конституциямиз ҳуқуқнинг бевосита қўлланишига имконият яратди. Унинг нормаларининг аниқ-равшан ва лўнда баён этилиши бу нормалардан давлатнинг ҳуқуқий ҳаётида кенг фойдаланиш имконини берди, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг қонунга итоат этишларини таъминлади. Шунингдек, Конституциямиз етакчи ҳуқуқ манбаидир. Конституция қабул қилиниши шарофати билан конституциявий ва жорий қонун ҳужжатларини ривожлантириш йўналишларига эга бўлдик, бу эса асосий мақсад сари йўналтирилган қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва ҳуқуқий ислоҳотларни чуқурлаштиришни кафолатламоқда. Энг муҳими, Конституция барқарорликка эришиш имконини берди.

Ўзбекистон танлаган ўзига хос йўлнинг пировард мақсадига, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга эришишда Конституция ва қонунлар жуда катта ўрин тутади. Давлатимизнинг Асосий Қомусида Конституция ва қонунларнинг устунлиги мустаҳкамлаб қўйилган, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида уларнинг танҳо ҳукмронлиги назарда тутилган.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, ташкилотлар ва фуқаролар қонунларга бўйсунишлари шарт. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат Конституцияга уйғун қонунлар билан тартибга солинади, бу муносабатлар қатнашчилари ҳуқуқ нормаларини бузсалар, ҳеч бир истисносиз жавобгар бўладилар. Ҳеч бир қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва тамойилларига зид бўлиши мумкин эмас.

Ер юзида инсоният пайдо бўлибдики, у ўз эркинлиги учун курашган, озод яшашга, ўзининг табиий ҳуқуқларига эга бўлишга интилиб яшаган. XX асрга келиб инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бутун инсоният тараққиёт йўлини англаш манбаси бўлиб қолди, десак, муболаға бўлмайди. Бу борада 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясини тилга олишимиз керак. Бу ҳужжат инсонларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларга қаратилган бўлиб, унда мустаҳкамлаб қўйилган, умумэътироф этилган қоидаларга дунёдаги эркин, демократик жамият барпо этиш ниятида бўлган ҳар бир давлат ҳурмат билан қарайди. Шуни фахр билан айтиш мумкинки Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг деярли барча қоидаларини ўзида акс эттирган.

Конституциямизда энг олий қадрият сифатида асосий эътибор давлат ва ижтимоий тузумга эмас, балки инсон манфаатларига қаратилган. Унинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эълон қилинибгина қолмасдан, шу модданинг ўзида демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши ҳам мустаҳкамланган.

Асосий Қонунда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мазмунини бевосита очиб берувчи 7 та боб, 34 та модда мавжуд. Унинг муқаддимасидан тортиб якунловчи қоидаларига қадар инсон тўғрисида, унинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик ғоялари сингдирилган. Ҳар қандай давлат органининг, ҳар қандай мансабдор шахснинг фаолияти инсон манфаатларига бўйсундирилади. Бу борада Конституциямиздаги асосий ғоялар муаллифи, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш жуда ўринли: «...Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир, унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик». Келинг, Конституцияда кафолатланган инсон ҳуқуқларининг айримларига тўхталиб ўтайлик. Инсоннинг энг устувор ҳуқуқи яшаш ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Демократиянинг гуманистик моҳияти шунга кўра белгиланади. Уни барча воситалар билан кафолатлаш давлатнинг бурчидир. Бу ҳуқуқнинг рўёбга чиқарилиши давлат ва жамиятни демократик ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир.

Бундан ташқари, фуқароларимиз шахсий дахлсизлик ҳуқуқига, ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига ҳамда виждон эркинлигига ва яна бир қатор сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга эгадирлар.

Кейинги вақтларда кенг тарқалган тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий эркинлиги ҳам шахснинг ижодий фаоллиги сифатида асосий ҳуқуқлар сирасига киради. Конституция Ўзбекистон фуқароларининг ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ёрдамлашаётган чет элликларнинг мулк ҳуқуқини кафолатлайди. Асосий Қонунда давлатимизнинг кўп миллатли эканлигидан келиб чиқиб, ҳар бир инсоннинг миллий қадр-қимматига, ўз она тили ва маданиятига эга бўлиш ҳуқуқи ҳам кафолатланган.

Кўриб турганимиздек, Конституцияда инсон ҳуқуқларига Ўзбекистон тараққиётининг асоси сифатида қаралади. Халқимизнинг маънавий салоҳияти, унинг улкан табиий ва техник имкониятлари, мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалари демократик ривожланиш ва инсон ҳуқуқларига риоя этиш учун босқичма-босқич барча шарт-шароитлар яратилажагига ишонч уйғотади.

Инсон ҳуқуқларини унинг барча жиҳатларини қамраб олган ҳолда идрок этиш ва шахсни ҳурматлаш бизнинг, миллий-маънавий меросларимизнинг асосийларидан биридир. Умуман, маънавият ҳамма вақт ҳам жамият тараққиётида муҳим ўрин тутган.

Маънавий юксак, маданияти бой инсон ҳеч вақт қонунни бузишга интилмайди, уни ҳурмат қилади, чунки бунга унинг ахлоқи йўл қўймайди. Инсонларнинг маънавий даражаси юқори бўлган тақдирдагина, улар ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт қонунларини, ҳуқуқий давлат моҳиятини ва у инсоният учун адолатли ҳаёт кечиришнинг ягона кафолати эканлигини чуқур идрок этади.

Ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш юксак ҳуқуқий маданиятни, юқори савиядаги маънавиятни амалда шакллантириш демакдир. Зеро, маънавият ва ҳуқуқ уйғунлиги вужудга келгандагина адолатли демократик давлат қуриш ҳақида сўз юритиш мумкин.

Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларига доир юздан ортиқ қонун ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг барчаси инсон яшаши ва фаолияти учун муносиб шарт-шароитларни яратишга қаратилган бўлиб, пировард натижада миллат ва ватан равнақини таъминламоқда.

Фуқароларнинг тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек, уларнинг атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги давлат томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган миллий ҳаракат дастурларини ҳаётга татбиқ қилишда иштирок этишлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқароларимизнинг ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган қулай табиий муҳитда яшаш ҳуқуқи давлатимиз томонидан кафолатланган.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқароларнинг юқорида тилга олиб ўтилган барча ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган, яъни бу ҳуқуқлар халқимизнинг конституциявий ҳуқуқларидир. Давлатимиз эса фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Зеро, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар қабул қилган, аммо Конституция талабларига зид келиб қолган ҳужжатлар, яъни фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузиши мумкин бўлган ҳужжатлар Конституциявий суд томонидан бекор қилинади, зеро, Конституциявий суд, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи конституциявий нормалар бажарилишини назорат қилади.

Ўзбекистон Конституцияси — мустақиллик қомуси, Ўзбекистон фуқаролари қадриятининг олий ҳуқуқий шакли сифатида, мана, ўн йилдирки, ҳаёт синовидан ўтмоқда. Том маънода ҳаётимизнинг Асосий Қонуни сифатида халқ манфаатлари учун хизмат қиладиган ҳужжат вазифасини бажармоқда. Доимо унга амал қилиш ватанпарварликдан далолат беради. Чунки унда Ватан, халқ ва миллат манфаатлари ифода этилган.

**У. БОЗОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси.**

Тиббиёт

# Ёруғ манзиллар шукуҳи

Кейинги пайтларда “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги қарор қабул қилингач, тиббиёт соҳасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Дастурга кўра, Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоятлардаги бўлимлари, туманлардаги шохобчаларнинг ташкил этилиши, уларнинг замонавий тиббий анжомлар билан таъминланиши аҳолига бепул, тез тиббий ёрдам кўрсатилишига замин яратди. Яқинда марказимизда бўлиб ўтган катта анжуманда эса ҳудудий марказларда олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди. Уларни янада такомиллаштириш тўғрисида маслаҳатлашиб олинди.

Юртбошимиз томонидан ўтган йилларнинг Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили деб белгиланиб, “Она ва бола” Давлат дастурининг қабул қилиниши, шунингдек, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор қарор ва фармонлар эса мамлакатимизда, айниқса, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга нечоғли аҳамият берилаётганини яққол ифодалайди. Жумладан, Тошкент шаҳрида республика Перинатал маркази фаолият кўрсата бошлади. Шу билан бирга, соғлом авлод, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва оилада тиббий маданиятни ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти.

Биргина тиббиёт соҳасида қилинаётган бу хайрли юмушлар, олиб борилаётган ишларнинг бари Асосий Қонунимизда белгиланганидек, халқимиз манфаати, инсон соғлиғи, баркамол келажак авлод учун — эртамиз янада ёруғ, нурафшон бўлиши учун интилиш, изланиш демакдир. Ахир Конституциямизнинг 40-моддасида “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”, деб бежиз айтилмаган.

**Йўлдош ЗИЯЕВ,**
**Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази кардиореанимация бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори.**



Теран нигоҳлар. Бу — ўқувчи кўзлари. У бугун ўз қишлоғи — «Бирлик» ширкат хўжалиги ва тумани — Томдини билади, холос. Кейин у яна биладики, ўзи ўқиётган 8-умумтаълим мактабини бу йил ширкатдагилар яхшигина таъмирлаб беришди. Шинамгина хонада хаёл сураётган қиз эртага юртини жаҳонга кўз-кўз қилса, не ажаб. Оқ йўл, қизалоқ!

**С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# БОШ ҚОНУННИ ЎРГАНИШ

## тест саволлари асосида амалга оширилмоқда

Бугунги кунда Давлат тест маркази томонидан абитуриентларнинг ҳамда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш даражаси тест саволлари асосида аниқланмоқда. Яқинда олий ўқув юртида таҳсил олаётган 2-4 курс талабаларининг Конституцияга доир билимлари ҳам синаб кўрилганда қуйидаги натижалар кўзга ташланди: энг паст кўрсаткич инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари (14,92 фоиз), жамият ва шахс (27,7 фоиз), асосий принциплар (27,75 фоиз), давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши (28,7 фоиз) бўлимларида аниқланди. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари бўлимида энг паст кўрсаткич фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига, фуқароларнинг бурчларига доир тест саволларига берилган жавобларда кузатилди. Талабалар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилганини 83,7 фоиз, барча фуқаролар қонун олдида тенглигини 87,6 фоиз биладилар — бу ижобий натижа, албатта. Лекин улар фуқароликнинг ўзи нима, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқ эканликларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларига ўз ҳудудидан ташқарида ҳам ҳимоя кўрсатишининг кафолатланишини тўлиқ билмайдилар.

Жамият ва шахс бўлимида талабалар жамиятнинг иқтисодий негизига доир саволларга 21,9 фоиз жавоб берганлар. Улар давлат иқтисодий ҳаётининг асосини, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этишини, шунингдек, жамоат бирлашмаларига доир топшириқларни ҳам паст даражада бажарганлар. Давлат ҳокимиятини ташкил этиш бўлимида ҳам талабалар билими паст кўрсаткични кўрсатади. Айниқса, улар Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимиятига доир тестларни ҳал этишда қийналганлар.

Умуман олганда, талабалар Конституцияга доир энг содда тушунчаларни, ҳуқуқий меъёрларни биладилар. Масалан, Конституция қачон қабул қилинган? Давлат тили қандай тил? Давлат рамзлари қачон қабул қилинган? Давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ким? Олий Мажлис нечта депутатдан иборат? Ўзбекистон Республикаси Президенти қандай вазифаларни бажаради? Президентликка неча ёшдан сайланади? Ўзбекистон халқини ким ташкил этади? Референдум нима? — каби саволларга деярли 85-94 фоиз тўғри жавоб берганлар.

Ваҳоланки, ёшларимизнинг Конституцияни ёддан билишларига эмас, балки унинг маъно-моҳиятини теран англашларига эришишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишига жавобан Давлат тест маркази яна бир тадбирни амалга оширмоқда. Маълумки, ҳамма ўқув масканларида шу мақсадда ўқув курслари ташкил этилган. Бу курсларга амалий ёрдам сифатида Давлат тест маркази ходимлари томонидан Конституцияни талабалар, профессор-ўқитувчилар ва кенг жамоатчиликка ўргатиш, ўқитиш ҳамда ўрганувчиларнинг билим даражасини узоқ масофадан туриб таҳлил этишга бағишланган компьютер тизими ишлаб чиқилди.

Тизимга киритилган тест топшириқларини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Булар Конституция матнида баён этилган қоидаларга оид, уларнинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган, Конституцияда белгиланган қоидаларни ҳаётга татбиқ этишни ўргатишга доир тестлардан иборат. Тест топшириқларини бажариш натижасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларини, жамиятга ва давлат ҳокимиятига тегишли бўлган қоидаларни ўрганувчилар билиб оладилар. Тест топшириқларидан ўрин олган Конституциявий қоидаларнинг ёшлар томонидан ўзлаштирилиш даражаларини аниқлашга бағишланган саволлар кишини нафақат Асосий Қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур англашга ундайди, балки бу борада йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини ҳам олади.

Ушбу компьютер тизими дастлаб Тошкент шаҳридаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига, Тошкент Давлат юридик институтига, Тошкент шарқшунослик институтига, Тошкент солиқ коллежига ҳамда Андижон, Бухоро, Навоий, Жиззах ва Хоразм вилоятларидаги ўқув юртларига ўрнатилган эди. Ҳозирги кунда компьютер тизими республиканинг барча вилоятларига ўрнатилиб, улар Давлат тест маркази билан модем алоқаси орқали боғланди. Бу тизим орқали ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилар Ўзбекистон Конституцияси бўйича билимларини текшириш ва олган билимларини янада такомиллаштириш имкониятига эга бўлдилар.

Давлат тест маркази нафақат ёшларни, балки раҳбарларнинг, профессор-ўқитувчиларнинг ҳам Республика Конституциясини қай даражада билишларини танловлар, ҳар хил тадбирлар жараёнида таҳлил этиб бормоқда. Раҳбарликка номзод кадрларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига оид билимларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли 2002 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига оид тест топшириқлари асосида республика касб-ҳунар коллежлари раҳбарлигига номзодларнинг билим савиялари текширилди.

Андижон вилоятида 300 дан ортиқ раҳбар ходимлар, жумладан, туман ҳокимлари ўринбосарлари, барча касб-ҳунар таълими директорлари, директор ўринбосарларининг ҳуқуқий билимдонликлари аниқланди. Улар Конституция бўйича билимлари 70 фоиздан юқори эканликларини кўрсатдилар.

Давлат тест маркази нострификация бўлимида ҳуқуқ йўналиши бўйича республикамиз ташқарисида диплом олганларнинг ўз дипломларини Ўзбекистон Республикаси учун яроқли эканлигини аниқлашда ҳам тест усулларидан фойдаланмоқдалар. Натижалар паст кўрсаткични кўрсатди. Масалан, мутахассислар республикамиз қонунчилигини яхши билмайдилар, бу ҳол айниқса махсус ҳуқуқ фанлари молия, оила, маъмурий, хўжалик ва қишлоқ хўжалиги, меҳнат, жиноят процесси фанларида яққол кўзга ташланади. Жиноят ва жиноят процессига доир эълон қилинган янгиликлардан кўпчилик тест синови иштирокчилари хабардор эмаслар. Шунингдек, тест синовларидан ўтаётган мутахассислар республикамизга доир баъзи ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш меъёрларини ҳам етарли даражада билмайдилар.

Тест натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, республикамиз ташқарисидаги олий ўқув юртларини тамомлаган ҳуқуқшунос мутахассислар, Ўзбекистон Республикасида ишлашни хоҳлашар экан, демак, улар Ўзбекистон ҳуқуқий тизимини мукаммал билишлари зарур. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш алоҳида эътиборга лойиқ.

Ўтган йили Давлат тест маркази Асосий Қонунимизни ўрганишни ташкил этиш бўйича «Маърифат» газетасида мактабгача таълимдан то олий таълимгача бўлган барча таълим тури тарбиячилари, ўқитувчилар ва талабалар ўртасида «Сиз Конституцияни биласизми?» танловини ўтказиш мақсадида 100 та тест саволларини чоп этди. Тест саволларига берилган жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, асосий принциплар, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши тўғрисидаги саволларга кўпчилик жавоб бера олган. Аммо жамоат бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти, суд ҳокимиятига доир тестларга жавоб беришда бир оз қийналганлар. Ваҳоланки, ҳар бир шахс бугунги кунда ҳуқуқнинг моҳиятини, мазмуни ва вазифасини англамоғи, Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш, ўзига юклатилган ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришни тушунмоғи лозим экан, ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштиришда, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда тест усулидан фойдаланишнинг муҳим ижодий имконият эканлигини қатъий ҳисобга олмоғи керак.

**М. МУҲИТДИНОВ,**
**Давлат тест маркази директори.**

# Элга қайишган барака топар

**«Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди».**

Ўзбекистон Конституцияси, XXI боб, 105-модда.

Ҳозирги туб ислоҳотлар жараёнида маҳаллий халқ ҳокимиятининг негизини ташкил этувчи ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига катта масъулият юклатилган. Улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, ўз ваколатлари доирасига кирувчи масалаларни ҳал этиш йўлида қатъият ва собитқадамлик билан иш олиб боришлари лозим. Бундай масалалар сирасига жойларда қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазаси, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ҳоказолар киради.

Соддароқ қилиб айтганда, одамлар дарди, ташвиши билан яшаш бугунги кунда маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органлари фаолиятини белгиловчи асосий мезондир. Зеро, улар ҳаётга ҳаммадан кўра яқинроқ туради, ҳар куни кўплаб ички муаммоларга рўбарў келади. Гап бунда эмас, албатта, Йиғинимиз ҳудудида ўнлаб қишлоқлар мавжуд бўлиб, 5000 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кишиларнинг маданий турмуш даражасини ошириш, омма ўртасида ҳуқуқий тарбия ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, янгича анъана ҳамда урф-одатларни қарор топтириш борасида муайян натижаларга эришилаяпти.

Аммо, давр ўртага қўяётган талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳамқишлоқларимиз олдида ҳали қарзимиз кўп. Жойларда ғоявий-сиёсий тарбияни кучайтириш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, меҳнатдан манфаатдорликни оширишга эришиш айни кундаги муҳим вазифамиздир. Токи янгиланиш ва ислоҳотлар моҳиятини барча чуқур англаб етсин, эл-юрт дастурхонида қут-барака кўпайсин.

**Хумор ҲАМРОЕВА,**
**Ғиждувон туманидаги Ғовшин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

# Мустаҳкам таянч

Ёшим ўттиз тўртда. Хусусий мулкка тиш-тирноғи билан қарши бўлган жамиятда катта бўлганман. Отам бечора “Боши кундала, моли талонда” деган замонларни кўрганиданми, тинимсиз меҳнат қилиб, пул топгани билан... “Бироръта машина сотиб олайлик”, десам, пулни қаердан топганимизни суриштириб қолишларидан чўчирдилар. Бугун қўша-қўша техникамиз бор. Фермер хўжалигимизнинг қорамоллари минг бошга яқинлашиб қолди. Буларнинг барига ўн бир йил ичида эга бўлдик.

Бу йилги ғалладан 70 тонна натура ҳолида олдим, 20 тоннасини ҳамқишлоқларимга бепул тарқатдим.

Хўш, қулочим кенглиги, тилимнинг бурро, дастимнинг узунлиги нимада? Аввало, хусусий мулк давлат ҳимоясига олинганида. Бу кафолат Конституциямизнинг 53-моддасида аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган. Шундай мустаҳкам таняч бор экан, мулкдорлик янада равнақ топиши турган гап.

**Салимжон АЛИБОЕВ,**
**Учқўрғон туманидаги “Шодлик” фермер**

# Яшинқайтаргич

Шукрона

Ўйлаб қарасам, бахтимиз қомуси деб ардоқлаб юрган СССР конституцияси аслида пешонамизнинг шўрига битилган қора бало экан. Чунки миллатларни ўз юртидан бадарға қилишди, қатағон йилларида халқимизнинг асл фарзандларини қатл этишди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим бўлган бу Конституция бошимизга балогардон бўлолмади, фақат оғизда бор, амалда йўқ ҳужжат бўлиб тураверди.

Отамни мулла Исмат дердилар. Беш йил Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган ўқимишли киши эди. Жамоалаштириш авжига чиққан 1932 йилда қулоқ қилиб, бутун оиласи билан Кавказга, Майков деган жойга жўнатишади. Отам бир неча йилдан сўнг у ердан мурувватли одамлар ёрдамида зўрға қочиб келади. Тошкент вилоятининг Олмазор деган қишлоғида бригадир бўлиб ишлай бошлайди. Аммо кўп ўтмай бир-иккита кўрнамакнинг чақуви билан у ердан кетишга мажбур бўлади. Шундан сўнг ҳеч жойда ишлай олмайди, қаерга борса, мулла, қулоқ деган таънани эшитади. Ҳолбуки, отам ўз даврининг етук зиёлиси, Садриддин Айний, Мулла Тўйчи каби ёзувчи ва мударрислар билан яқин мулоқотда бўлган киши эди. Ўлганнинг устига тепган деганларидек, уни шундан кейин ҳам тинч қўйишмади. Динга, рўзага қарши йиғилишларда ёмонотлиқ қилиб, Жалойирга жар солишди. Отам 1991 йилда 91 ёшда ҳаётдан кўз юмди, шунда ҳам барибир ўз эътиқодидан воз кечмади.

Раҳматли отамнинг маслаҳати билан болалигимдан араб алифбосидаги китобларни ўқиб-ўрганганман. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олганман. Диний расм-русумлардан ўзимга яраша хабарим бор, намоз ўқийман, рўза тутаман, маҳалламиздаги маъракаларда «Қуръон» тиловат қиламан. Бунинг учун мени ҳеч ким таъқиб этмайди. Чунки мен мустақил давлатнинг фуқаросиман. Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасида ёзиб қўйилган: **«Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслиги мумкин».** Диний эътиқодимдан қатъи назар, менинг Конституциям ҳар қандай таъқиб ва тазйиқларга яшинқайтаргичдай йўл қўймайди. Аслини олганда мана шунинг ўзи ҳам демократиянинг ёрқин бир мисолидир.

**Т. ҒОЙИБНАЗАРОВ,**
**ўқитувчи.**

# Ўзбекистонда яшаётганимиздан бахтиёрмиз

*Миллатлараро дўстлик, биродарлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш мамлакатимиз бош қомуси — Конституциямизда ўзининг ёркин ифодасини топган. Конституциянинг ҳар бир банди юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарони бир мақсад — буюк келажак йўлида бир жон — бир тан бўлиб ҳаракат қилишга ундамоқда. Бу фикрни Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар раҳбарлари билан ўтказилган суҳбат ҳам тасдиқлаб турибди.*

**Ревмир ЛЯН, корейс миллий-маданий маркази раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби:**

— Менинг сулолам илдизлари олис Корея тупроғига қадалса ҳам, ўзимни том маънода ўзбек фарзанди, деб ҳисоблайман. Чунки шу юртда ўсиб-улғайдим, камолга етдим, қадр-қиммат орттирдим, дўст-оғайни, обрў-эътибор топдим. Фарзандларим, невараларим танглайи ҳам ўзбекнинг кўнглидай оқ пахта билан кўтарилган, десам, муболаға бўлмайди.

Узоқ йиллар маданий-маърифий соҳаларда, бошқарув тизимларида ишладим. Ўн уч йилдан буён корейс миллий-маданий марказига раҳбарлик қиламан. Касб-кор, шахсий қизиқиш туфайли дунёдаги, айниқса, Шарқ мамлакатларининг конституцияларини қиёслаб ўрганиб чиқдим. Хулосаларимга таяниб, дангал айта оламан: дунёдаги ҳеч бир мамлакат қомусида миллатларнинг тенглиги, ўзаро тотувлиги, уларнинг анъаналари, урф-одатларини сақлаб қолишга бизнинг Конституциямиздагидек катта, кенг кўламли эътибор берилмаган.

Корейс миллий-маданий маркази вилоятнинг энг фаол жамоат ташкилотларидан бири. Фарғонада бирон бир тадбир йўқки, марказимиз қошидаги миллий корейс халқ дастаси, мутахассислар иштирок этмаса. Наврўзи ажам тантаналари, Мустақиллик байрамларида кўрикларнинг тўри бизники бўлади. Ҳар йили июнь ойида нишонланадиган қадимий корейс миллий байрам «Тако» тантаналари эса вилоятдаги барча миллатларнинг ҳам байрамига айланиб кетаётгани дилларимизга олам-олам ғурур бағишламоқда. Бу кечаларда буюк Навоий ғазаллари, замонавий ўзбек шоирларининг шеърлари корейс тилида жаранглайди.

Марказ ташаббуси билан йил бошида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида илмий-амалий конференция ўтказилди. Қизғин тортишувлар, мунозараларга бой бўлган бу машваратда немис, қирғиз маданий марказларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар. Шундай учрашувлар, мунозаралар, баҳсларни мунтазам ўтказиб туриш ҳақида келишиб олган эдик. Куни кеча шу аҳдлашувга мувофиқ ташкил этилган «Ўзбекистон халқлари — ягона оилада» илмий-амалий анжуманининг ташаббускори ҳам бизнинг марказ бўлди. Анжуманда юқорида тилга олинган марказлардан ташқари, татар, тожик, украин — жами 10 дан зиёд миллат вакиллари ҳам иштирок этишди.

Ўзбекистон Конституциясида ҳар бир миллат ўз дини, урф-одатлари, анъаналарига эътиқод қилиши аниқ-лўнда қилиб ёзиб қўйилган. Корейслар қомуснинг бу имкониятидан биринчилардан бўлиб баҳраманд бўлишди, десам-муболаға бўлмайди. Биз шу заминда 60 йилдан зиёд истиқомат қилаётган бўлсак, ўз динимизга эътиқод шўро тузуми даврида тамомила тақиқланган эди. Мана, саккиз йилдирки, Фарғонада «Умид» («Надежда») деб аталган корейс черкови ишлаб турибди. Бу ерга Кореядан диний мутахассис ҳам таклиф қилдик. Черковда фақат диний маросимлар ўтказилмай, ёшларга корейс тили, маданияти ўргатилиб, ахлоқий-маърифий тушунчалар, таълим-тарбия ҳам берилаяпти.

Табиийки, бу мустақиллик туфайли яратилган Ўзбекистон Конституциясининг амалдаги ифодаси, деб ўйлайман.

**Михаил ХАРОКОРИН, славян миллий-маданий маркази раҳбари:**

— Марказимиз ўз сафига вилоятдаги славян миллатига мансуб халқлар, миллатлар вакилларини бирлаштирган. Совет тузуми даврида бундай марказларни тузиш шовинизм, миллатчиликни тарғиб қилиш билан тенг ҳисобланарди. Энди эса бизнинг бу истак-хоҳишимиз рўёбга чиқиб, Ўзбекистон Конституцияси билан қонуний мустаҳкамлаб қўйилди.

Марказимиз фақат вилоятда истиқомат қилаётган рус миллатига мансуб аҳолининг маданияти, урф-одатлари, маросимларини сақлаб, тарғиб қилибгина қолмай, балки украин, белорус ва бошқа славян миллатларининг ўзлигини сақлаб қолишни ҳам бош мақсад этиб олган. Ҳозир марказ ҳузуридаги адабий-бадиий тўгараклар, ижодий гуруҳлар таркибида барча славян миллатлари вакилларини учратиш мумкин.

Наврўз байрами муносабати билан славян халқлари миллий таомлари танловини ўтказган бўлсак, Мустақилликнинг 11 йиллиги арафасида славян миллий ҳунармандчилиги намуналари кўргазмасини ўтказдик. Марказимиз қошидаги рус драма театрининг репертуаридан фарғоналик ижодкорларнинг асарлари ҳам жой олган. Фронтчи хотин-қизларнинг «Катюша» дастаси нафақат вилоят, балки мамлакатимизнинг энг нуфузли байрамларида ҳам иштирок этиб, ихлосмандлари сафини тобора кўпайтирмоқда. Айни кунларда марказимизнинг Кувасой шаҳри ва Қиргули туманлари бўлимлари ҳузуридаги дасталар Ўзбекистон Конституциясининг 10 йиллиги тантаналарига алоҳида дастур тайёрлашаяпти.

**Суҳбатдош:**
**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Сирғали туманидаги «Ўзиккиламчиметалл» корхонасида турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Уларнинг аҳиллиги сабаб, ишда доимо юқори натижаларга эришиб келинмоқда.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## Шу юрт фарзандиман

Миллатим — қирғиз. Ўз миллатим, унинг шонли тарихи билан чин юракдан фахрланаман. Киндик қоним тўкилган гўша эса Ўзбекистон деб аталади. Ана шундай жаннатмакон юртда туғилганимдан, шу юрт юртим эканлигидан юрагимда сўз билан ифодалаб бўлмайдиган туйғуларни ҳис этаман.

Мана, бугун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги байрамини кенг нишонлаяпмиз. Конституцияда бизнинг ҳақ-ҳуқуқимиз, эрк ва бурчимиз аниқ, лўнда белгилаб қўйилган. Жумладан, унинг «Халқ ҳокимиятчилиги» деб номланган I боб, 13-моддасида қуйидаги сатрлар бор:

«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». Бу қонуний кафолат бўлиб, мен учун ниҳоятда қадрлидир.

Инсоннинг ўзи яшаётган жамиятдаги обрўси, қадр-қиммати қанчалик эъзозланса, унинг шу жамиятни гуллаб-яшнаши учун қиладиган меҳнати ҳам шунчалик самарали бўлади, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда юз минглаб миллатдошларим яшайди ва меҳнат қилади. Бизнинг ҳар биримиз шу замин учун, ўз юртимиз учун ҳалол ва виждонан меҳнат қилишни, фарзандлар тарбиялаб вояга етказишни ўзимиз учун бахт деб биламиз. Негаки, Ўзбекистон бизнинг ўз юртимиз, она Ватанимиздир.

**Тўйчи ХОЛИҚОВ,**
**Шароф Рашидов туманидаги «Дўстлик» фермер хўжаликлари уюшмаси фермери.**

## Дўстлик ришталари узилмасин

Анжуман

Тошкентдаги Лаъл Баҳодир Шастри номли 24-ўрта мактабда Ўзбекистондаги Ҳиндистон маданияти маркази билан биргаликда «Қомусимиз — фахримиз» мавзусида катта анжуман ўтказилди.

Тадбирда машҳур ҳинд олими, Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида кафедра мудири вазифасида ишлаётган профессор олиб, юртимизда ҳинд тилига ихтисослашган мактабнинг борлиги ва у атоқли давлат арбоби номи билан аталиши, бу иккала давлат ўртасидаги дўстлик ва биродарлик рамзи эканлигини тўлқинланиб гапирди. Сўнгра Ҳиндистон ва Ўзбекистон Республикаси конституциялари ҳақида маъруза қилди.

Конституциямизнинг мамлакатимиз мустақиллиги мустаҳкамланишидаги аҳамияти, фуқаролик жамиятини маънавий-ахлоқий жиҳатларининг шакллантиришдаги ўрни нечоғли муҳимлигини ўқувчи ёшларимиз теран англаши лозимлиги ҳақида Ўзбекистон Миллий университети профессори Ғолиба Шоюсупованинг фикрлари кўпчиликка манзур бўлди.

Анжуман сўнггида республикамиздаги Ҳиндистон маданияти маркази директори Жозеф Лабо мактабга ҳинд ва инглиз тилларида чоп этилган журналлар ҳамда ўқув қўлланмаларини тақдим этди.

**Доно МИРАҲМЕДОВА,**
**Шастри номли 24-ўрта мактаб директори.**
**Саодат НАЖИМОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети магистранти.**

## Миннатдорлик туйғуси

Бош ҳуқуқий ҳужжатимиз ҳисобланган Конституция жамиятимизда, ҳар бир фуқаро ҳаётида юз бераётган ўзига хос ўзгаришлар кафолатидир. Оддий фуқаро сифатида буни мен ўз тақдиримда яққол ҳис қиламан.

Барча соҳалар каби илм, шу жумладан, тиббиёт илмининг йўли ҳамма вақт текис, равон бўлавермайди. Кўпчилик мени мамлакатда ва хорижда эътироф топган олима деб ҳисоблайди. Аслида ҳаммаси ҳам хамирдан қил суғургандек равон кечган эмас. Мен Оролбўйи аёлларининг репродуктив саломатлиги бўйича докторлик диссертацияси ёқлаган олимаман. Аммо ана шу илмий даражам билан асосий ишимдан «бўшатилган» вақтим ҳам бўлди. Бундай пайтларда менга истиқлол, Конституция кўп марта ёрдамга келди: ўз фуқаролик ҳуқуқимдан фойдаланиб, «Перзент», яъни «Фарзанд» нодавлат, нотижорат марказини туздим. Ҳозир уни Америкада ҳам билишади. Қорақалпоғистоннинг 7 та туманида унинг бўлимлари бор. Шу кунгача юзлаб аёлларга, оналарга, болаларга тиббий маслаҳат кўмаги бердик. Фаолиятимиз фақат Оролбўйи ҳудуди билан чекланиб қолаётгани йўқ. «Перзент» номли журналимиз беш йилдан буён чоп этилмоқда. Бу йил унга Қорақалпоғистондан ташқарида ҳам обуначилар кўпайди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти Орол денгизини асраб қолиш устида қайғурмоқда. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Айни пайтда биринчи навбатда Оролбўйи оналари, аёллари, қизларининг репродуктик саломатлигини муҳофаза қилишимиз керак. Бу бугун, эртанги кун ва эртанги авлодлар олдидаги бурчимиз ҳисобланади. Ҳукуматимиз ушбу йўналишда жуда кўп тадбирларни амалга оширмоқда. Демоқчиманки, бош Қомусимиз халқ манфаати йўлида қилинадиган ишларда бизга мададкор, мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

**Орал АТАНИЯЗОВА,**
**Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали директори, тиббиёт фанлари доктори.**

## Маданий мерос мажбурияти

Конституциямизнинг 49-моддасида «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар», деб ёзиб қўйилган. Бу биздан жуда катта масъулият ва фидойилик талаб қилади.

Зеро, шўролар даврида ўзбекнинг улуғлигини улуғлаб, шарафлаб тургувчи — тарихий обидалар-у муқаддас қадамжолар буткул харобага айлантирилганди.

Ўтган ўн бир йил ичида эса уларга муносабат тубдан ўзгарди, яхшиланди. Бунинг исботини шу йилнинг ноябрь ойида 2700 йиллиги нишонланган Шаҳрисабз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бугунги кунда шаҳарда 20 та ноёб ёдгорлик бор. Маълум ва машҳур Оқсарой, Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Кўкгумбаз шулар жумласидандир. Истиқлол шарофати, Юртбошимиз саъй-ҳаракати ва халқимизнинг меҳнати туфайли шаҳарнинг қадим шон-шуҳрати қайта тикланди. Оқсарой олдида соҳибқирон Амир Темур ҳайкали қад ростлади. Шаҳардаги обидалар ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Самарқанддаги машҳур Чокардиза қабристони ҳам бутунлай йўқолиб кетган эди. Имом Мотирудий юбилейи муносабати билан у ерда катта ободонлаштириш ишлари олиб борилди, Бундай савоб ишга нафақат Самарқанд, балки республикамизнинг турли вилоятларидан келган қурувчилар, меъморлар ҳам ҳисса қўшдилар.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан бунёд этилган, Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида очилган Термиз Археология музейи ҳам халқимизнинг ўз ўтмиш меросини авайлаб-асраш йўлидаги меҳнатлари маҳсулидир. Мазкур музей ўзининг жиҳозланиши, экспонатлар жойлашуви, томошабинга тушунарли эканлиги билан дунёдаги энг яхши ўнта музей қаторига киради.

Юртимиз — обидалар юрти. Уларни авлодларга бекаму кўст ҳолда топшириш, етказиш бугун обидаларга қай тарзда муносабатда бўлаётганимизга боғлиқ эканлигини унутмайлик.

**Қодир ЖЎРАҚУЛОВ,**
**республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.**

## Муқаддас қадрият

*Оила энг муқаддас миллий қадриятларимиздан биридир. Оилавий бутунлик, оилавий яхлит муҳит, ота-она, оға-ини, опа-сингилларнинг ўзаро меҳру оқибати, оилавий анъаналар, сулолавий, шажаравий давомлилик жаҳондаги ҳар қандай миллатга мансуб ҳодиса эмас. Бу хусусиятлар бизнинг кундалик оддий турмуш тарзимизга айланиб кетганлиги учун ҳам уларнинг нақадар мўъжизавий қадрият эканлигини баъзида англаб етмаймиз. Ўзбек оилаларининг ғаройиб муҳити хорижий мамлакатлардан келган меҳмонларнинг кўзига яққол ташланади. Ва аксинча, биз хорижий мамлакатларга сафар қилганимизда, у ердаги ҳаёт билан ўз ҳаётимизни таққослаймиз ҳамда оила бизнинг мислсиз мўътабар қадриятимиз эканлигини яна бир бор ҳис этамиз.*

Биз, Давлат ва жамият қурилиши академиясининг бир гуруҳ мураббийлари Европанинг "ТАСИС" дастури йўлланмаси билан 1998 йилнинг куз ойларида Франция ва Голландия мамлакатларида сафарда бўлдик. Ўн беш кун давомида ўнлаб давлат хизматчилари тайёрлайдиган ўқув юртларида ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашдик. Голландиялик бир ҳамкасбимиз билан бўлган у ердаги оилавий муҳит ҳақидаги суҳбат менда қизиқ таассурот қолдирди. Маълум бўлишича, у ерда биздагидек яхлит, қайноқ оила муҳити бўлмас экан. Гарчи эр ва хотин расман никоҳда бўлсалар-да, алоҳида-алоҳида яшашлари мумкин экан. Эр бир туманда, хотин бошқа бир туманда, эр бир уйда, хотин эса бошқа бир уйда. Ҳатто, бошқа-бошқа мамлакатларда бўлиниб яшайдиган оилалар ҳам бўларкан.

— Болалар-чи, болалар ким билан яшайди? — ҳайратланиб сўраймиз биз.

Бола, хоҳласа, отаси билан, хоҳламаса, онаси ёнида яшайверади. Баъзи болалар болалигининг бир қисмини отаси билан, бошқа қисмини онаси билан бирга ўтказади. У ерда фарзандлар вояга етар-етмас ота ва она бағридан узилади, "ўз араваси"ни ўзи мустақил тортади. Лекин бу бизнинг миллий менталитетимизга, маънавиятимизга тўғри келмайди. Наздимизда, оила муҳитидаги жўшқин тафт, ҳаётбахш ҳарорат унинг бирлигида. Бизда ота-она фарзандларининг тарбияси, камолоти ва истиқболи учун масъул. Ота-она, фарзандлари вояга етиб, оила қургани, ўз касб-корини эгаллаганидан кейин ҳам уларни бағридан чиқармасликка, иложи борича ўзидан узоқлаштирмасликка ҳаракат қилади. Ҳатто, узоқлашиб кетганида ҳам олийҳиммат ҳомийлигини дариғ тутмайди. Айни пайтда, фарзандлар ҳам вояга етганида ота-онани ўз ҳолига ташлаб қўймайди, уларни умри борича эъзозлашга, асраб-авайлашга ҳаракат қилади. Оқибатли фарзанд ўзини шунга масъул деб ҳисоблайди. Бу — бизнинг миллий менталитетимиз, бизнинг миллий маънавиятимиз.

Қонунларимиз, айниқса, Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам ана шу миллий менталитетимиз, миллий маънавиятимизга мувофиқ яратилган. Конституциямизда оиланинг давлатимиз ва жамиятимиздаги мақомига бағишланган махсус боб бор. У шундай бошланади: "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" (63-модда). Дарҳақиқат, оила давлат ва жамиятнинг бошланғич бўғини. Оилалар давлат ва жамиятнинг асосий таянчи. Оила жамият ичра кичик бир жамоа. Мустақил ва мукаммал оилаларимиз ўзига хос анъаналари, қонун-қоидалари, иқтисодий-молиявий тутуми, ички ва ташқи муносабатлари, қариндош-уруғчилик, қўни-қўшничилик урф-удумлари билан давлат ичидаги жажжи давлатчадир. Оила давлат ва жамиятнинг қатрада қуёш акс этганидагидек кўзгусидир. Оиланинг аҳволи руҳиясига қараб давлат ва жамиятнинг аҳволини билиш мумкин.

Конституциямизнинг 7-моддасида "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир", деб ёзилган. Хўш, халқнинг бирдан-бир манбаи нима? Халқнинг бирдан-бир манбаи, шубҳасиз, оиладир. Шундай экан, нега биз уни асраб-авайламайлик? Ҳар бир оила бизнинг муқаддас қадриятимиз ва миллий бойлигимиздир. Оилаларимизнинг бутунлиги давлат ва жамиятимизнинг бутунлиги гаровидир.

Конституциямизнинг 64-моддасига биноан: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар". Қонуннинг ушбу моддаси ҳам сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ёки бошқа бир жойдан олиб бизнинг ҳаётимизга татбиқ этилган эмас. Балки халқимизнинг кўп минг йиллик ҳаётий тажрибаси, миллий менталитети, миллий мафкурасига асосланиб ижод этилган. Оилапарварлик, болапарварлик фазилати халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ана шу фазилат кейинги наслларда ҳам абадий сақланиши учун Асосий Қонунимизда қоидалаштирилган. Аммо ҳамма фуқароларимиз ҳам шу қонун масъулиятини сезармикинлар? Афсуски, сезмайдиганлар ҳам топилади, беш бармоқ баробар эмас. Зотан, давлат ва жамиятнинг истиқболи кўп жиҳатдан ота-оналарга боғлиқ. Биз келажаги буюк давлат барпо этмоқчимиз. Давлатимизнинг келажаги буюк бўлиши учун ҳар бир оила бошлиғи ўз оиласининг буюк келажагини таъминлашга ҳаракат қилиши лозим. Келажаги буюк давлатни келажаги буюк оилалар яратади.

Ота-онанинг фақат жисмоний эмас, балки маънавий фазилат ва қусурлари ҳам унинг етти пуштида қайтарилади. "Қуш уясида кўрганини қилади". Меҳр-оқибат, вафо ва ғамхўрлик ардоғида ўсган фарзандлар меҳр-оқибатли, вафодор ва ғамхўр бўладилар. Аксинча, раҳм-шафқат кўрмаган болалар бағритош бўлиб ўсадилар. Конституциямизнинг "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар" мазмунидаги 66-моддаси фарзандларнинг ота-оналар олдидаги масъулиятини қонунлаштирган. Зеро, ота-она олдидаги фарзандлик бурчини унутган, уларни хор-зор қилиб қўйган кимсалар, оз бўлса-да, топилади. Асосий Қонунимизнинг "Оила" боби ҳаётда амал қилса, турли нохуш ҳоллар содир бўлмас, деган фикрдаман.

Қуръони Каримнинг Фотиҳа сурасини "Умм ул-Қуръон" — Қуръоннинг онаси дейишади. Ҳар бир тиловат ундан бошланади. Қолган барча сура ва оятлар ундан туғилиб, уни тасдиқлаб, шарҳлаб, ривожлантириб, такомиллаштириб, татбиқ этиб боради. Конституциямиз ҳам миллий қонунчилигимиздаги ана шундай онабоши қонундир. Шунинг учун ҳам уни асосий қонунимиз ёки ҳуқуқимиз қомуси деймиз.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори.**

## Менинг оилам — менинг қўрғоним

*«Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар».*
*(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боб, 64-моддаси).*

Оила ўзбек халқи учун энг муқаддас гўша ҳисобланган. Ҳар бир инсон ана шу гўшанинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги учун астойдил интилган. Оила қўрғони қанчалик мустаҳкам бўлса, эр ва хотиннинг жамият ҳаётидаги иштироки, фаоллиги шунчалик самарали бўлган. Ота ёки онанинг ўзи емай, киймай оила учун фидойилик кўрсатиши неча минг йиллардан буён халқимизга хос оддий бир ҳолга айланиб қолган. Ўзбек оилаларининг энг асосий фазилатларидан бири оқил ва комил фарзандлар тарбиялаш бўлиб қолган. Мана шу хусусият неча-неча асрлардан буён ҳар биримизнинг қон-қонимизга, жон-жонимизга сингиб кетган. Оилавий бахт учун курашиш жамиятда соғлом муҳит яратувчи, уни ривожлантирувчи омил сифатида, айниқса, мустақиллик йилларида яққол кўзга ташлана бошлади.

Туғилганимдан буён ногиронлик нафақасини оламан. Бироқ уйда ҳеч қачон қўл қовуштириб ўтирмайман. Турмуш ўртоғим Дилбар хўжалик даласида меҳнат қилади. Икки ёрти бир бутун, деганларидек кўкламда ипак қурти боқамиз, ёзда пахта парваришида иштирок этамиз, кузда эса шу пахтани йиғиб-териб олишда қатнашамиз. Ҳаракатда баракат, деганларидек меҳнат туфайли топган даромадимиз тўрт фарзандимизни едириб-кийдиришга бемалол етади. Ҳар йили меҳнат ҳақимизга бир неча тонна буғдой оламиз. Томорқамизга сабзавот экканлигимиз туфайли, мўъжаз боғимиз борлигидан бозордан деярли мева-чева, картошка ёки сабзи харид қилмаймиз. Тўрт бош сигир-бузоғимиз бор. Қизимиз Турсуной мактабда тарбиячи бўлиб меҳнат қилади. Ўғилларимиз Зафар туман марказидаги саноат коллежида ўқиётган бўлса, Давронбек мактабнинг 8-синф ўқувчисидир. Кенжатоймиз Дилфуза ҳам мактабда ўқийди.

Дилбар ҳам, мен ҳам адабиётга, санъатга жуда қизиқамиз. Ана шу қизиқиш туфайли нафақат бадиий адабиётларни, балки ойнаи жаҳон орқали берилаётган сиёсий мавзудаги кўрсатувларни ҳам, сиёсий адабиётларни ҳам ўқиб борамиз. Ўзбекистон Конституциясида оиланинг муқаддаслиги, унинг давлат томонидан муҳофаза этилиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳар бир инсон ана шу кафолатдан фойдаланиб, ўз оиласининг янада камол топиши учун масъул, деб ўйлайман.

Бизнинг мақсадимиз — фарзандларимиз, энг аввало, соғлом бўлсин. Улар билимли, одобли, шу заминнинг энг етук инсонлари бўлиб вояга етишлари бизнинг энг катта орзуимиздир. Фарзандлар инсон ҳаётининг мевалари, дея бежиз айтилмаган. Улар қанчалик бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришса, биз ўз мақсадимизга етган бўламиз. Бунинг учун мактабда, коллежда яхши ўқишлари лозим. Уларнинг етук шахслар бўлиб шаклланишида энг катта сабоқни оила беради. Оила қўрғони мустаҳкам бўлса, ундан баркамол инсонлар етишиб чиқади.

**Аҳмад ЗОКИРОВ,**
**Бўёвут тумани, «Тараққиёт» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи пенсионер.**

## Ҳақ сўз кафолати

Яқинда собиқ иттифоқ ва мустақил Ўзбекистон Конституцияларини бир-бирига солиштириб ўқидим. Ер билан осмонча фарқи бор экан. Бутун умр тарғибот-ташвиқот соҳасида ишлабману эътибор қилмаган эканман. Синчков қараб кўҳна конституциядан ҳайрон қолдим. Ахир эски тузумнинг дунёга жар солган конституциясида ақалли оммавий-ахборот воситалари тўғрисидаги боб ҳам йўқ экан.

Бизнинг Асосий Қонунимизнинг 67-моддасида «Цензурага йўл қўйилмайди» деб ёзиб қўйилган. Телетайп ленталарида қайд этилгандай, бу тўрт оғиз сўз замирида олам-олам маъно, таъбир жоиз бўлса, фуқароларнинг шахсий фикр юритиши гарови, сўз, виждон ва эътиқод эркинликлари, ватанпарварлик тамойиллари ётибди. Шўро тузуми даврида ҳур фикрли, эътиқоди собит, виждони пок ҳар бир ижодкор шу масала сари интилмаганмиди?

Бир ижодкор сифатида Қомусимиз виждонимизнинг барометрига, кундалик ҳаётимизнинг барқарорлик тарозисига, ижодимизнинг тамал тошига айланганига иймон келтираман. Пенсияга чиққанимга анча бўлди. Лекин ҳамон шогирдларим, сафдошларим қаторидаман. Ахир энди эмин-эркин, тазйиқлардан, бўҳтонлардан чўчимай ишлайдиган замон келди. Тўғри гапни айтиб, ижод қилишга эса Конституция кафолатдир.

**Дониёр ЭРГАШЕВ,**
**«Фарғона ҳақиқати» газетаси бўлим мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

Муҳтарам юртдошлар!

BANK XALQ BANKI

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

# ХАЛҚ БАНКИ

мамлакатимизнинг барча фуқароларини мустақил республикамиз бош Қомуси — Конституциямизнинг шонли 10 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади ва сиз, азиз юртдошларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва оилавий бахт тилайди. Оллоҳ назари тушган юртимиздан тўкин-сочинлик ва қут-барака асло аримасин!

*Шу улуғ айём кунларида жойлаштириш муддати 60 кун бўлган, йиллик 30 фоиз миқдорида даромад тўланадиган* ***«Ассалом, Янги йил»***

***— ютуқли байрам омонат турини таклиф этади.***

***Сиз юқори фоизли даромад олиш билан биргаликда***

***10 000 сўмдан 1 000 000 сўмгача***

***бўлган пул ютуқлари*** *совриндорларидан бири бўлиш*

***ИМКОНИЯТИГА ҲАМ ЭГАСИЗ!***

Омонатга пул маблағлари 2002 йилнинг 31 декабрига қадар банкнинг барча бўлим ва шохобчалари орқали қабул қилинади.

***Ютуқ эгалари***

2003 йил январь ойининг биринчи ярмида аниқланади.

**Ш О Ш И Л И Н Г ! ! !**

***Янги йил туҳфасидан баҳраманд бўлинг!***

**Халқ банки — аҳоли омонатларининг сақланиши давлат томонидан кафолатланган ягона банкдир!**

**Халқ банки — сизнинг оилангиз банки!**



Республика акциядорлик тижорат банки

# «ҒАЛЛАБАНК»

ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Бош Қомуси **Конституцияси** қабул қилинган кунга 10 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимиз халқини самимий қутлайди.

**Барчага Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишида куч-қувват ва ишларида муваффақиятлар тилайди.**



**Шунингдек, республикамиз аҳолисини Муборак Рамазон ҳайити байрами билан ҳам чин дилдан қутлайди. Ҳаммага соғлиқ-саломатлик, оилавий барқарорлик, дастурхонига тўкинлик, барча ишларида Оллоҳ ёр бўлишини истайди.**



# UZMACOM

GSM

**«ЎЗМАКОМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ МУБОРАК АЙЁМ ИЙД АЛ-ФИТР РАМАЗОН ҲАЙИТИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.**

**БАРЧАНГИЗГА БАХТ-САОДАТ, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ХОНАДОНИНГИЗГА ФАЙЗУ БАРАКА, ИШЛАРИНГИЗДА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!**



*БИЗНИНГ МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ Ш., ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ Ш.К., 8-УЙ.*
*ТЕЛЕФОНЛАР: (998 71) 100-00-15, 100-00-16, 173-00-15. ФАКС: (998 71) 100-98-98, 120-63-78.*
*WWW@UZMACOM.UZ*



# «ПАРВИНА»

*КОМПАНИЯСИ*

юқори сифатли ерёнғоқли ва ерёнғоқсиз, Россия технологияси асосида тайёрланган

**«ПАРВИНА» ШОКОЛАДИНИ**

жуда арзон нархларда таклиф этади.

- *30 гр. — 85 сўмдан*
- *75 гр. — 220 сўмдан*
- *80 гр. — 220 сўмдан*
- *100 гр. — 300 сўмдан*

*Тўлов шакли — турлича.*

Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (3662) 33-77-83, 31-07-01.



# «PARVINA UNIPACK»

*ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ*

Турли хил озиқ-овқатлар, тиббиёт воситалари, тўкилувчи қурилиш маҳсулотлари учун универсал ўраш материаллари ишлаб чиқариш бошланганини маълум қилади.

*Оригинал дизайн, бадиий безаш — сизнинг буюртмангизга кўра. Турли шакл ва кўринишдаги ташриф қоғозлари, этикеткалар, ёрлиқлар, гулқоғозлар тайёрлаб берилади.*

**ҚИСҚА МУДДАТЛАР ВА АРЗОН НАРХЛАР**

Бизнинг манзил: Самарқанд ш., Бедил к., 17-уй (мўлжал: «Шинасозлаш» заводи).
Телефонлар: (3662) 22-12-65, 33-48-03.



*Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига!*

*«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТКнинг*

# «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



**2002 йил 4 декабрдан бошлаб**

**қиш даврида қуйидаги йўналишлардаги поездларга 25% чегирма билан йўловчиларга йўл чипталари сотади:**

*№ 5/6 фирмали*

**ТОШКЕНТ — МОСКВА — ТОШКЕНТ;**

*№ 280/279 йўловчи*

**ТОШКЕНТ — ТЕРМИЗ — ТОШКЕНТ.**

*«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ маъмурияти.*

Муҳтарам юртдошлар!



ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ОПЕРАТОРИ –

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

сизларни
Ўзбекистон Республикаси
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ
ҳамда қутлуғ
РАМАЗОН ҲАЙИТИ
билан самимий
табриклайди.

Барчангизга мустаҳкам
соғлиқ, бахт, хотиржамлик
ва омад тилаймиз.
Ватанимиз равнақи
йўлидаги бунёдкорлик
меҳнатингизда Сизга
Оллоҳ ёр бўлсин!

O'ZBEKTELEKOM
www.uztelecom.uz

"УЗДУНРОБИТА" КОМПАНИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА
АҲОЛИСИНИ КОНСТИТУЦИЯ КУНИ
БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!



D·AMPS
GSM
UZDUNROBITA
first cellular
УзАСИ АА №0000104

АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ
«ТАДБИРКОРБАНК»
БОШҚАРУВИ

озод ва обод юртимизнинг
барча фуқароларини, хусусан,
мамлакатимиз равнақи йўлида
меҳнат қилаётган барча
ишбилармонларни ва тадбиркорларни
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
10 йиллиги
ҳамда
Рамазон
ҳайити
муносабати
билан
муборакбод
этади.



Бахт ва омад ҳамиша ҳамроҳингиз
бўлсин!

БИЗНЕС БАНК

Азиз ватандошлар!

Сизни
Ўзбекистон Республикаси Бош Қомуси
КОНСТИТУЦИЯ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУНГА 10 ЙИЛ ТЎЛИШИ
БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Жонажон Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги
интилишларингизни амалга ошишида
улкан зафарлар ҳамроҳ бўлсин.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат
ва шоду хуррамлик тилаймиз.

«БИЗНЕС БАНК»

# Давлатнинг ҳуқуқий сийрати

Ушбу мақоламизни бир ҳаётий лавҳадан бошлашга жазм этдик. Бунинг боиси шундаки, назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб матбуотда ёритилаётган мақолаларнинг аксарияти илмий-назарийроқ, умумийроқ бўлиб, амалиётдан, турмушдан, бир оз бўлса-да, узилиб қолаётганга ўхшайди. Ваҳоланки, Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишида Асосий қонунимиз турмушимизнинг доимий қўлланмасига айланиши зарурлиги белгилаб берилган.

Тақдир тақозосига кўра, Тошкент Давлат юридик институтида ўриндошлик бўйича ишга таклиф этишди. Аслида бўлажак юрист талабаларни яқиндан ўрганиш ниятимиз ҳам йўқ эмасди. 2000-2001 ўқув йилида янги фан — "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича мазкур институтнинг 3-ҳуқуқ факультети 4-курс талабаларига дарс бердик. Ҳафтада бир кун институтда бўлиб, 6 соатдан маърузалар ўқидик. Бизга тўрт нафар илмий даражали ва илмий унвонли домлалар бириктириб қўйилди, улар амалий машғулот — семинарлар олиб боришди.

Дарс бериш асносида талабаларнинг билим даражаси, маънавий қиёфаси, маданияти, моддий аҳволи, дунёқараши, орзу-умидлари, ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича уқуви билан қизиқиб, шулар бўйича суҳбатлар ўтказиб, савол-жавоблар қилиб, муайян даражада маълумотга эга бўлдик. Бошқача айтганда, ўзимизча кичик бир социологик тадқиқот ўтказдик. Кузатишларимиз бўйича, умуман олганда, талабаларнинг билим савияси ва даражасини қониқарли дейиш мумкин. Лекин "Келажакда ким бўлишни орзу қиласиз?" деган саволимизга талабаларнинг тўртдан уч қисми "Прокурор бўлмоқчиман", деган жавобни беришди. Қолганлари судья бўлиш ниятида эканини билдиришди. Толибалардан кўпчилиги "ЗАГС мудираси бўлмоқчиман", деган бўлса, яна бирлари "Нотариус бўлмоқчиман", деб жавоб қайтарди. Лекин шунча талабанинг ҳеч бири "Мен адвокат бўлмоқчиман", демади. "Ўқишни битиргач, институтда қолиб ўқитувчилик қилиш ёки бўлмаса илмий иш билан шуғулланиш ниятингиз борми?" деган саволимизга ҳам ижобий жавоб олмадик. Бу ҳолат кишини ўйлантирмайдими, ахир...

Тўғри, прокурор бўлиш шарафли иш, судья бўлиш ҳам масъулиятли юмуш. Лекин ҳуқуқий-демократик давлатда яшаётган эканмиз, ҳар жабҳада қонун устуворлигига эришмоғимиз, қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур экан, ҳуқуқшуносликнинг адвокатура соҳасига ҳам эътиборни қаратишимиз керак. Нафақат эътиборни, балки ҳурматни кучайтиришимиз мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий иллатлар яшовчан бўлади. Шўролар давридаги бундай иллатлардан бири адвокатура соҳасига паст назар билан қараш эди. Адвокатларнинг ҳуқуқлари чекланганди. Тўғрисини айтганда, шўро замонида адвокатларнинг аксарияти воситачилик қилишарди. Шу сабабли ўтмишда бирон кишининг бошига мушкулот тушса, у адвокатга, судга мурожаат қилишни ўйлаб кўрмасди ҳам. Сабаби — бу ташкилотларнинг инон-ихтиёри ўзида эмас, комфирқанинг измида эди.

Буни қарангки, 130 йилча давом этган мустамлакачилик ва шўролар ҳукмронлиги даврида халқимиз орасидан Саратов университетининг ҳуқуқшунослик факультетини битирган олий маълумотли юрист Убайдуллахўжа Асадиллахўжаевдан бошқа бирорта ҳам машҳур адвокат чиқмади. Энди замон ўзгарди — Ўзбекистон ҳуқуқий давлатлар сафидан ўрин олмоқда. Ҳуқуқий давлатда эса адвокатнинг ижтимоий ўрни ва обрўйи прокурор, судья ёки терговчининг мавқеидан кам бўлмайди, балки етук адвокат халқ орасида танилишда машҳур адиб ва олим, спортчи ва санъаткор даражасида бўлади. Бас, шундай экан, адвокатлик касбига бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришимиз, бу ишни бўлажак юрист талаба ва толибларга таълим-тарбия беришдан, уларда адвокатлик касбига ҳам мойиллик ва қизиқиш уйғотишдан бошлашимиз лозимга ўхшайди. Токи, юридик институтнинг талабаси биринчи курсданоқ ўзини адвокат бўлишга ҳам тайёрлай борсин. Машҳур адвокат бўлишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйсин.

Адвокатлик касбига қизиқиш ва интилишни кучайтиришда матбуотнинг ҳам ҳиссаси бўлиши керак, албатта. Ҳозирда фаолият кўрсатиб турган малакали адвокатларимиз ҳақида очерк ва мақолалар ёритилиши ҳам ёшлар орасида бу касбга қизиқиш уйғотиши мумкин. Бинобарин, Юртбошимизнинг адвокатлар фаолиятини давр талаблари даражасида кучайтириш борасида билдирган кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этишимиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойишнинг ижроси ҳам шуни тақозо этади.

Ўн икки ёшга қадам қўйган истиқлол замонамизда қўлга киритган энг улкан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ютуқларимиздан бири, шубҳасиз, Конституциямиздир. Уни мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий сийрати, миллатимизнинг қонун бўйича қиёфаси, десак, арзийди.

Маълумки, ҳозир ер юзида 200 га яқин давлат мавжуд. Уларнинг деярли ҳаммаси миллий давлатлардир. Шунинг учун ҳам улар аъзо бўлган бош халқаро ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, дейилади. Бу давлатларнинг конституциялари мамлакатдаги асосий хусусиятларни, миллий воқеликни акс эттиради. Бинобарин, Конституция давлатнинг фақат Асосий Қонуни бўлиб қолмай, миллатнинг эзгу ғояларини ҳам ўзида ифодалайди. Аксарият ҳолларда давлатнинг номи асосий миллатнинг номи билан аталиши бежиз эмас. Масалан, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Япония, Бангладеш, Корея, Франция, Ўзбекистон ва шу кабилар. Ҳар қандай миллат уни бирлаштирувчи, порлоқ келажакка чорловчи буюк ғояларсиз миллат бўла олмайди. Миллий ғоялар, энг аввало, ўша миллатнинг турмуш тарзида, орзу-умидларида, дини ва маданиятида намоён бўлади. Аввало, асосий миллатга мансуб бўлган бу ғоялар мамлакатдаги барча аҳолини, сиёсий партияларни, ҳаракатларни жипслаштиради, буюк мақсадлар ушалишига олиб боради.

Ҳозирги кунда халқимизнинг бош мақсади — озод ва обод Ватан барпо этиш, эркин ва фаровон турмуш яратишдир. Давлат тафаккурининг туб-тубида ҳам ана шу миллий ғоя ётади. Конституциямиз эса ана шу бош ғоя — миллий ғояни — озодлик, яратувчанлик ғоясини ўзида акс эттиради ва ҳуқуқий кафолатлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизни билиш, ўрганиш ва ўргатиш, унга оғишмай риоя қилиш, фуқаролик бурчимиздир.

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.**

Отам темирйўлчи эди. Оилада 6 ака-ука, 3 опа-сингил ўсганмиз. Мактабни битиргач, темирйўлга ишга кирганман. 1976 йили эса чўлга кетдим. Чилангар бўлдим. Трактор ҳайдадим. Кураш билан шуғулландим.

Аслида ёзувчи бўлмоқчи эдим. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов асарларини берилиб ўқирдим. Ҳозир ҳам Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўстнинг китоблари қўлимдан тушмайди. Кутубхонамда 1000 дан ошиқ китоб бор. Узун қиш кечалари ана шу китобларни ўқиб маза қиламан.

# Нондай азиз

Орзу орзу экан. Ҳаёт менга бошқа нарсаларни рўпара қилди. Турмушда кўп нарсаларни кўрдим. Айтмоқчиманки, оқ билан қоранинг фарқига бораман. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ фермер бўлиб олдим. Оддий бир фермер бўлсам ҳам, кўп тўсиқларга дуч келдим. Ҳайриятки, жамиятимизда адолат ҳукмрон. Конституциямизда «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади», деб ёзиб қўйилган. Мен ана шу ҳуқуқимдан фойдаланиб, судга мурожаат этиб, ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилдим.

Биз ғалламизни, пахтамизни йиғиштириб олдик. Уйимизда дон, ҳамёнимизда пул бор. «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир». Бу Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Мен фермерман. Бу йил ғалладан ҳам, пахтадан ҳам мўл ҳосил олдим. «Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади». Бундай ҳуқуқни менга Конституция берган. Шунинг учун ҳам Конституция менга нондай азиз. Унинг ҳар сатри қонимга сингган.

Ҳа, шундай. Бунинг учун Конституциямизни билиш, ҳар бир моддасининг мағзини чақиш ва юракка жойлаш лозим. Шунда қонун устувор бўлади. Ҳар ким ҳуқуқини ҳам, мажбуриятини ҳам англаб етади. Охир-оқибат ҳаромхаришдан ҳазар қилади. Бу эса жуда муҳимдир. Ҳар ким ўзини ўзи ана шундай тергаб турса, виждонига қулоқ солса, иши юришиб кетади. Мен бунга ишонаман. Ишончим боиси — бош Қомусимизнинг инсонпарварлиги, халқчиллиги, олижаноблигидир.

**Файзулла ЛУТФИЕВ,**
**Усмон Юсупов туманидаги «Камалак» фермер хўжалиги бошлиғи.**


АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«АЛОҚАБАНК»
ЖАМОАСИ
РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА АҲОЛИСИНИ
УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ –
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ
КОНСТИТУЦИЯ КУНИ
БИЛАН ЧИН ДИЛДАН МУБОРАКБОД
ЭТАДИ!

*Мана, 10 йилдирки, бош Қомусимиз йўлчи юлдуздек, буюк келажагимиз йўлини ёритиб, янги ҳаёт қуриш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашининг кафолати бўлиб келмоқда.*

*Барча ватандошларимизга бахт-саодат, тинчлик-тотувлик, ҳар бир оилага фаровонлик ва қувонч тилаймиз!*




«Алоқабанк» жамоаси.



*Азиз юртдошлар!*

ХАЛҚАРО ШАРОФ РАШИДОВ ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ



ахли номидан улуғ айём кунлари қутлуғ
РАМАЗОН ҲАЙИТИ
ва давлатимизнинг Асосий қонуни, эркимиз, қадр-қимматимиз кафолати —
КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ
умумхалқ байрамлари билан муборакбод этамиз.

*Ҳаммаларингизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, фаровонлик, иншоллоҳ, кўзлаган улкан ниятларингиз ижобат топишига тилакдошмиз. Давлатимиз тинч, ҳар бир оилада осойишталик, ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлсин. Ўтган азизларимизни ҳам Аллоҳ раҳмат қилсин, иншооллоҳ!*

*Халқаро Шароф Рашидов хайрия жамғармаси марказий кенгаши ҳайъати.*



«MAKSIMA» мебель салони

*Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.*

«MAKSIMA» АРТ-дизайн студияси

хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
КАТАЛОГ бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

*Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ.*

*Тушликсиз ва дам олиш кунисиз ишлаймиз.*




*Манзилимиз: Д. Кўнаев (с. Саперная) кўчаси, 46-уй. (мўлжал — Миробод бозори) Телефонлар: 111-14-44, 152-75-94. E-mail: maxima@online.ru*



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона



infoCOM.UZ
ойлик ахборот-таҳлилий журнал




АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОЛАМИДА СИЗНИНГ КОМПАСИНГИЗ



*Мижозларга хизмат кўрсатувчи 27 та шохобча!*

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

пулни Вестерн Юнион халқаро тизими ёрдамида ўтказишни *таклиф этади.*

*Пул ўтказмаларини амалга ошириш чоғида пул маблағларини қабул қилиш ва бериш нақд шаклда амалга оширилади.*

**Мижозларга хизмат кўрсатиш шохобчалари**

Тошкент шаҳри бўйича бош бошқарма, Ғ.Ғулом кўчаси, 1-уй.Телефон: 144-35-34.
Бош операция бўлими, Я.Ғуломов кўчаси, 95-уй.Телефон: 133-31-06.
Тошкент шаҳридаги филиаллар:
А.Икромов филиали, Фарҳод кўчаси, 54-уй.Телефонлар: 75-35-86, 74-08-93.
Академия, Файзулла Хўжаев кўчаси, 31-уй.Телефон: 162-01-72.
Бектемир филиали, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 15-уй.Телефонлар: 195-07-11, 195-07-13.
С.Раҳимов филиали, Калонов кўчаси, 54-уй.Телефонлар: 29-42-39, 29-51-70.
М.Улуғбек филиали, Пушкин кўчаси, 66-уй.Телефонлар: 68-22-31, 68-24-25.
Шайхонтоҳур филиали, «Эски жўва» бозори.Телефонлар: 144-19-98, 49-33-45.
«Саёҳат» филиали, «Халқлар дўстлиги» кўчаси, 28-уй.Телефон: 79-77-35.
Сирғали филиали, Деҳқон бозори.Телефон: 51-68-67.
Ҳамза филиали, Элбек кўчаси, 28-уй.Телефон: 96-28-40.
Яккасарой филиали, Бобур кўчаси, 85-уй.Телефонлар: 152-11-61, 152-11-57.
Миробод филиали, С.Банокатий кўчаси, 165-уй.Телефон: 93-08-35.
Юнусобод филиали, Юнусобод-11 даҳаси, 32-«А» уй.Телефон: 125-06-76.

Вилоятлар бўлимлари:
Андижон бўлими, Навоий мавзеси, 39-уй.Телефонлар: 24-53-33, 24-09-81.
Бухоро бўлими, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 3-уй.Телефонлар: 3-67-13, 3-85-96.
Жиззах бўлими, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй.Телефон: 6-15-37.
Қарши бўлими, «Ўзбекистон» кўчаси, 219-уй.Телефон: 3-48-08.
Наманган бўлими, Нодим Наманганий кўчаси, 10-уй.Телефон: 6-57-82.
Навоий бўлими, Ибн Сино кўчаси, 14-уй.Телефон: 23-23-82.
Нукус бўлими, «Гарезсизлик» кўчаси, 52-уй.Телефон: 4-23-47.
Самарқанд бўлими, Фирдавсий кўчаси, 7-уй.Телефонлар: 31-23-27, 31-01-04.
Сирдарё бўлими, Аҳмад Яссавий кўчаси, 48-уй.Телефон: 25-35-95.
Термиз бўлими, Ат-Термизий кўчаси, 1-уй.Телефон: 2-83-71.
Тошкент вилояти бўлими, Я.Ғуломов кўчаси, 95-уй.Телефон: 133-71-69.
Урганч бўлими, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 150-уй.Телефон: 6-64-06.
Фарғона бўлими, Ал-Фарғоний кўчаси, 69-уй.Телефон: 24-31-97.

www.nbu.com


Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси бўлим бошлиғи Улфат Хўжаевага волидаси **Сокина МУЗАФФАРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси Ангрен табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси раиси **Абдували РАҲМАТУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Маънавият» нашриёти жамоаси республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг ўринбосари, алабиётшунос олим Султонмурод Олимовга отаси **Ҳошимжон ОЛИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги ва клиникаси раҳбарияти институт кадрлар бўлимининг собиқ бошлиғи **Мирза АЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўздавэнергоназорат» агентлиги Тошкент бўлими жамоаси бош техник нозир Зокир Мирзахалиловга турмуш ўртоғи **Озода МИРЗАХАЛИЛОВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

